

Ўқувчилар таътилни мароқли ўтказишмоқда



Айни кунларда ўқувчилар ёзги таътилни мароқ билан ўтказишмоқда. Бу даврда эса ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳар қачонгиданда муҳим масала саналади.

Термиз туманидаги таълим муассасаларида 2023 йил ёз мавсуми учун тумандаги 18, 20-сонли умумтаълим мактаблари ҳамда 12 ва 16-сонли ИДУМда мактаб олди соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилган. Ушбу дам олиш масканларига 500 яқин ўқувчилар қамраб олинади.

Хусусан, тумандаги 16-сонли ИДУМ қошида ташкил этилган “Жайхун” номли мактаб олди болалар оромгоҳи кўплаб ўғил-қизларни ўз бағрига олди. Бу ерда болажонларнинг вақтлари мазмунли ва таассуротларга бой ўтиши учун барча чора-тадбирлар кўрилган.